Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1998 йил 4 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 9 (7006)

Da'vat

Кўпни билган эмас, керакни билган доно.

ЭСХИЛ

Ibrat

Зафаробод тумани ҳокими А.Исроилов шу ерлик ёш иқтидорли шахматчи, 6-синф ўқувчиси Фарҳод Усейновга шахмат компьютери ҳадя этди.

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАРИМ, ЮРТДОШЛАРИМ!

МУҲТАРАМ ДЎСТЛАР!

Таваллудимнинг 60 йиллиги муносабати билан юксак ҳурмат ва иззат кўрсатиб, узоқ яқиндан табрик, хат ва мактуб йўллаган давлат раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар, маҳаллалар ва жамоалар, барча юртдошларим ва ватандошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Шаънимга айтилган эзгу тилакларни, авваламбор, Ўзбекистон халқига ва давлатимизга бўлган эҳтиром, мамлакатимиз истиқболига ишонч деб биламан.

Мени ўстириб вояга етказган, етакчилик масъулиятини ишониб топширган, янгиланаётган ҳаётнинг оғир юкини елкасида кўтариб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб ишга азму қарор қилган меҳнатсевар, бағри кенг, оқибатли халқимизга фарзандлик меҳрини изҳор этаман.

Мактубларда акс этган ҳароратли сатрлар, уйғоқ фикрлар халқимизнинг ўткир заковатидан, қалби нақадар гўзал ва бой эканлигидан далолат. Бундай донишманд халқ ҳар қандай эъзозга, энг ёруғ тақдирга ва иқболга муносибдир.

АЗИЗЛАР!

Барча-барчангизни бағримга босиб айтадиган ягона тилагим шуки, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, кекса-ю ёш барча ватандошларимизнинг умрини ва бахтини берсин. Яратганимиз ўз паноҳида сақласин.

Ислом КАРИМОВ

Президентга мактуб

ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Шу йил 1 февраль куни Тошкент вақти билан соат 2 дан 30 дақиқа утганда «Шаттл-Эндевер» космик кемаси Канаверал бурнидаги (Хьюстон) полигонга эсон-омон қунди.

Карантин тадбирлари амалга оширилганидан кейин куннинг иккинчи ярмида экипажни НАСА раҳбарияти билан таништирув маросими бўлди. Сўнгра уларга қисқа муддат мобайнида яқинлари ва кутиб олувчилар билан учрашишга ижозат берилди. Космонавт Солижон Шариповни отаси, рафиқаси, акаси ҳамда академик Ш. Воҳидов кутиб олишди. Бу учрашувдан сўнг космонавтлар кейинги тиббий назорат ҳамда дам олишга жўнаб кетишди.

Парвоз муваффақиятли якунланганидан сўнг космонавт Солижон Шарипов Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мактуб йуллади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен, Шарипов Солижон, америкалик астронавт касбдошларим билан коинотга «Шаттл-Эндевер» космик кемасида учгандан кейин ерга соғ-саломат қайтиб тушдим.

Мен ва умр йулдошим узбек оиласида — Қирғизистоннинг Узган шаҳрида туғилиб усганмиз. Коинотга учиш тайёргарлигини Россия космонавтлар тайёрлаш марказида ўтдим.

Узбекистонда менинг кўпгина муҳтарам устозларим, яқин дустларим, қариндошларим ва шогирдларим бор.

Узбекистонда ташкил этилган халқаро аэрокосмик мактабнинг ўқувчиларига коинот ва авиация соҳасидаги янгиликлардан сабоқ бераяпман ҳамда имконим борича мактабни видеофильмлар, қўлланмалар, китоблар, плакатлар ва айрим асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам кўрсатмоқдаман. Бу ишда менга устоз ва касбдошларим — космонавтлар В. Жонибеков, Г. Стрекалов, Т. Мусабоев, Ю. Маленченко сидқидилдан ёрдам бермоқда.

Узбек олимлари ва мутахассисларининг коинот ва авиация соҳаларидаги ютуқлари ва салоҳиятидан хабардорман. Улар билан тез-тез учрашиш, илмий мунозаралар, дустона мулоқотлар ўтказиш имконияти борлигидан ниҳоятда хурсандман ва ватандошларимнинг бой тажрибаларидан кундалик ҳаётимда фойдаланаман.

Мен мустақил Узбекистонимизнинг космонавтика ва авиация соҳаларида ҳам жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашини ҳамда шуҳратига-шуҳрат қўшилишини жуда истайман.

Бу мақсад йўлида Узбекистон фазогирлари билан ўзимнинг билимим ва бор тажрибамни баҳам кўришга доим тайёрман.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизга Узбекистонни янада гуллаб-яшнатиш ва ривожлантириш йўлида амалга ошираётган хайрли ишларингизда куч-қувват, мустаҳкам соғлик, муваффақият тилайман. Барча ишларингизда доимо омад Сизга ёр бўлсин!

Эҳтиром билан,
Солижон ШАРИПОВ,
космонавт.
Хьюстон, АҚШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг урни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йули билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий урганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш мақсадида, 1998 йилнинг Республика Президенти томонидан «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар қумитаси ҳузурида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилсин. Республика «Оила» илмий-амалий маркази Тошкент давлат университети ва Тошкент давлат педагогика институтидаги оила муаммоларини урганиш лабораториялари негизида ташкил қилиниши белгилаб қуйилсин.

Олий ва урта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги «Оила» илмий-амалий марказига курсатилган лабораториялар буйича штатлар сони ва иш ҳақи фонди, шунингдек жиҳозларини баланслан балансга утказсинлар.

2. Республика «Оила» илмий-амалий марказининг Низоми ва тузилмаси тасдиқлансин. Марказ директори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгилаб қуйилсин.

3. Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар қумитаси, Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қумитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» жамғармаси, «Экосан» жамғармаси, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Республика «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятида иштирок этиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Иштирокчилар Кенгашининг таркиби тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Республика «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятининг асосий йуналишлари этиб белгилансин:

оила ва жамият, оила ва маҳалла муносабатлари билан боғлиқ бой миллий анъаналар, сермазмун миллий қадриятларнинг илдизларини, аждодларимиз меросини урганиш ва оммалаштириш;

миллий оилавий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш;

оиланинг педагогик, психологик, ижтимоий-психологик, этно-педагогик, этно-психологик муаммоларини урганиш ҳамда ривожланиш истиқболлари буйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, демографик хусусиятларини илмий асосда тадқиқ этиш;

оила, аёл ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини акс эттирувчи статистик ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш;

оилани режалаштиришни, унинг саломатлигининг тиббий- биологик асосларини илмий-амалий тадқиқ этиш, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг тадбиқ этиш;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш мақсадида никоҳ уйлари ва саломатлик марказлари ҳузурида махсус ўқув-тарбиявий курсларни ташкил этиш;

оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш буйича илмий-амалий фаолият курсатиш;

оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, соғлом усиши, мактабга тайёрланишида ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш юзасидан ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёш авлодда маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада баркамол авлодни тарбиялашнинг энг самарали, мақбул усулларини излаш ва ишлаб чиқиш;

оила ва жамият муаммоларига ва уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланма, илмий-оммабоп рисолалар яратиш;

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган тадбирлар дастурининг бажарилиши мониторингини олиб бориш;

оила ва жамият муаммолари соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

5. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Марказга оила муаммоларини урганиш буйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда ҳамда уз фаолияти учун зарур ахборотларни олишда кумаклашсинлар;

Марказга оила манфаатларига йуналтирилган дастурларни бажаришда ҳар томонлама ёрдам курсатсинлар.

6. Узбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қумитаси 1998 йилда ва кейинги йилларда «Оила» илмий-амалий марказининг илмий изланишлари мавзуларини Давлат илмий-техникавий дастурлари таркибида режалаштирсин.

Марказнинг уз илмий-амалий дастурларини жойларда шартнома асосида амалга ошириши белгилаб қуйилсин.

7. Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Узбекистон хорижий давлатлар билан дустлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши:

«Оила» илмий-амалий марказининг оила ва жамият муаммолари соҳасида фаолият курсатаётган хорижий ва халқаро ташкилотлар билан амалий алоқалар ўрнатишига кумаклашсинлар;

«Оила» илмий-амалий марказини халқаро ташкилотлар ва чет давлатлардаги оила муаммоларига оид ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ахборотлар билан доимий равишда таъминласинлар.

8. «Оила» илмий-амалий маркази Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва қарорлар, Узбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ҳамда идораларнинг меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлари мажбурий тартибда тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

9. «Оила» илмий-амалий маркази ходимларига республика илмий-тадқиқот институтлари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун ўрнатилган ягона тариф сеткаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича белгиланган разрядлар жорий этилсин.

10. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этилган ҳисобкитобларга биноан Марказ фаолиятини ташкил этиш, керакли жиҳозлар ва компьютер техникаси харид қилиш учун зарур маблағ ажратсин.

11. Узбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Марказни зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

12. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси Марказга хизмат кўрсатиш учун енгил автомобиль, Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги унинг харажатлари учун зарур булган лимит ажратсинлар.

13. Узбекистон Телерадиокомпанияси, Узбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Марказ фаолиятини мунтазам ёритиб борсинлар, оила ва жамиятнинг долзарб масалаларига бағишланган эшиттириш ва кўрсатувлар дастурларини ушбу қарорга асосланган ҳолда қайта кўриб чиқсинлар.

14. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда «Оила» илмий-амалий марказига Фурқат кўчасидаги 1-уйдан жой ажратсин ва уни таъмирлаш масалаларини ҳал қилсин.

15. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 февраль.

Qutlug' ostona

ПРЕЗИДЕНТ ГРАНТЛАРИ КЎПАЙДИ

Уларга фақат чин ватанпарварлар ва билимдонлар сазовор бўлишади

Мухбиримиз нуфузли иқтиёз учун бўлиб ўтаётган синовларнинг энг қизғин палласида «Умид» иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси қабул комиссиясининг масъул котиби Ботир Убайдуллаев билан суҳбатлашди.

— «Умид» айниқса илм аҳли, талабалар ўртасида энг қадрли ва эзгу мақсад манзили сифатида гавдаланмоқда. Унинг обрўси, қамрови ошаётганлигини аниқ далиллар ва рақамлар билан изоҳлаб ўтсангиз?

— Дарҳақиқат, ўтган йили «Умид» жамғармасига 1879 та ариза қабул қилинган эди. Даъвогарлардан 157 нафар энг иқтидорлиси танлаб олиниб бакалавриат ва магистратура босқичларида дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Японияда таҳсил олишмоқда. Бу йил мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таклифларига биноан грантлар сони 157 тадан 500 тага кўпайтирилди. Жумладан, 205 ўрин бакалавриатга, 145 ўрин магистратурага ва 150 ўрин малака ва тажриба оширишга ажратилган.

Бу йил бакалавриат ва магистратура ўринларига 1600 дан зиёд ёш йигит-қиз аризаси қабул қилинган.

— Танлов неча босқичдан иборат бўлди?

— Тўрт босқичда бўлиб ўтган танловнинг биринчисида талаба таълим олишни давом эттиришни хоҳлаётган мамлакатнинг давлат тилини қай даражада билишини аниқлаш бўлиб, имтиҳонни ўша мамлакатнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари олишди. Масалан, АҚШнинг АКСЕЛС, Буюк Британиянинг Британия кенгаши, Германиянинг ДА каби ташкилот ва муассасалари ходимлари талабаларни синовдан ўтказишди. Бу энг муҳим босқичдан муваффақиятли ўтган талабалар навбатдаги босқичларга қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Иккинчи босқич мутахассислиги бўйича даъвогарлар компьютер саволларига жавоб беришади. Учинчи босқич мутахассисликка оид суҳбатдан иборат. Тўртинчи босқичда Ўзбекистон тарихи, маданияти, маърифат ва маънавиятидан талабанинг нечоғлик бохабарлиги, унинг дунёқараши синовдан ўтказилади. Талабаларни мутахассисликка оид суҳбатдан ўтказиш ва дунёқарашини аниқлашга мамлакатимизнинг турли соҳаларида хизмат қилаётган йирик мутахассис ва олимлар, ЎзФА ходимлари, университетлар ректор, проректор ва профессорлари, маданият арбоблари, ёзувчи, шоир ва журналистлар жалб этилган.

Кеча танловнинг сўнгги босқичи ниҳоясига етди. Унда 350 ўринга 600 дан кўпроқ ёш йигит-қиз ўз омадларини синашди.

(Давоми 2-бетда)

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов «Амир Темур» ордени билан мукофотланди.

• «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

• Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов АҚШдаги «Кейс» корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Жан-Пьер Россо бошчилигидаги делегацияни қабул қилиб, мазкур корпорация қишлоқ хўжалиги техникаларининг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига муваффақиятли кириб келганлиги ҳамда биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар фаолиятини такомиллаштириш хусусида батафсил тўхталди.

JUMLADA JAHON

• Швейцариянинг Давос шаҳрида анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиб келинаётган Жаҳон иқтисодий анжуманида бутун дунё мамлакатларининг ўзаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик алоқалари масаласи муҳокама этилди.

• Амалдаги йилнинг 11 августида Парижда бўлиб ўтиши кутилаётган биринчи жаҳон уруши тугаганининг 80 йиллиги тантаналарида Буюк Британия қироличаси Елизавета Иккинчи билан АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳам иштирок этиш истагини билдиришди.

• Японияниг собиқ ҳарбий арбоби, япон халқининг қаҳрамонига айланган 69 ёшли Мотоиши Годонинг Зенко-дзи ибодатхонасининг қўнғироғини чалиши билан Нагано олимпиадасининг бошланганлиги дараги берилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАЁТГАН НУФУЗЛИ ХОРИЖ ФИРМАСИГА ИҚТИДОРЛИ АГРОНОМ-ЭНТОМОЛОГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИШЛАБ ЯШАШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Номзоддан қуйидагилар талаб қилинади:

1. Ихтисоси бўйича 5 йиллик иш стажи;

2. Муттасил сафарларга чиқишга имконияти;

3. 35 ёшдан юқори бўлмаслиги;

4. Транспорт бошқара олиши;

5. Инглиз тилини билиши.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонга мурожаат қилинг: 136-54-17.

Шошилинг!
Танлов муддати 20 февралгача.

МИММ

ХАБАРЛАРИ

ЯНГИ АЛИФБОНИ ЎРГАНАМИЗ

Маълумки келаси ўқув йилидан 5-синф ўқувчилари ҳам лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбосида ўқишни бошлашади. Шу туфайли Боғдод туманида юқори синфларда дарс берувчи ўқитувчиларга янги алифбони ўргатиш бўйича махсус курслар ташкил этилди. Ўқишлар вилоят ХТБ томонидан тақдим этилган махсус дастур асосида олиб борилди.

Боғдод телевидениесида ҳам «Янги алифбони ўрганамиз» рукни остида мунтазам кўрсатув ташкил қилинган. Уни 27-мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси М. Эргашев олиб боряпти.

Аваз ҲАЙДАРОВ

ЎҚУВЧИЛАРГА КОМПЬЮТЕР

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Гуландом Субхонова ташаббуси билан Арнасой туманидаги 1-лицей-интернатга «Самсунг» компьютер ускуналари ўрнатилди.

Компьютер ўрнатилгач, Гуландом опа ўқувчиларга қарата: «Азиз ўқувчилар, сизларга топширилаётган ушбу совға она-ватанимизнинг муносиб ўғил-қизлари бўлишдек масъулиятни юклайди», деди.

Ўқувчилар ҳам совғадан руҳланиб: «Билим олиш учун доимо тинмай изланишда буламиз», дея ваъда беришди.

Намоз ҚАРШИЕВ

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Ёшларда ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устиворлигига эришиш тарғиботни аниқ йўлга қўйишга ҳам боғлиқ. Бундай ишлар Марҳамат туманида анча йўлга қўйилган. Айни дамда тумандаги ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчиларининг «Сиз қонунни биласизми?» мавзуидаги курик-танлови қизғин паллага кирди.

Ҳозирча 27- ва 29-ўрта мактаб ўқувчилари саралашдан ғолиб чиқиб, туман курик-танловига йўлланма олишди.

Ушбу тадбирни юқори савияда ўтказишда ташкилий қўмита раиси Р. Шожалилов, қўмита аъзолари: туман ХТБ етакчиси Н. Қориев, туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлиги бошлиғи Ш. Тўлановларнинг хизматлари катта бўлянти.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ

МИММ

ХАБАРЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ГРАНТЛАРИ КЎПАЙДИ

(Боши 1-бетда)

— Бу йил «Умид»да қандай янги йўналишлар очилди ва Президент грантларини қўлга киритган омадли талабалар қайси давлатларда таҳсил олишади?

— Дарҳақиқат, бу йил «Умид» режасига ўтган йилги етти устивор соҳа билан бир қаторда муҳандислик ва санъатга дахлдор бўлган соҳалар ҳам қўшилди. Эндиликда тўрттала босқичдан муваффақият билан ўтган омадли талабалар Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония каби дунёнинг ривожланган давлатлари билан бир қаторда Италиядек санъат ва маданият, мусиқа ватанида ҳам таҳсил оладилар.

— Ўтган йилги танловлардан муваффақиятли ўтиб, бугунги кунда чет элларда таълим олаётган талабалардан хат-хабар борми, улар билан қай тарзда боғланиб турибсизлар?

— Ҳозирги кунда «Умид» орқали чет элларда, жумладан АҚШда 99, Буюк Британияда 35, Францияда 5, Германияда 9, Японияда 9 нафар иқтидорли ёшларимиз таълим олишмоқда. Ҳар бир талаба билан алоҳида алоқа қиламиз. Хориждан ҳар куни ахборот олиш имкониятига эгамиз. Улар ўқиётган мамлакатлардаги республикамиз элчихоналари орқали талабаларимизнинг ўқишларидан тортиб, яшаш шарт-шароитларигача тўла ахборотга эга бўляпмиз.

Шуни ғурур билан айтишим керакки, шу вақтга қадар бирор талабамиз устидан ўқиш ёки ахлоқига доир норозилик билдиришгани йўқ. Қайтага олқиш устига олқиш олаяпмиз. Мана, масалан, Америка Қўшма Штатларидаги университетлардан бирида таҳсил олаётган Бунёд Жумабоевни чет эллик устозлари бундан ҳам юқорироқ даражадаги университетда таълим олиши кераклигини билдирган. Шунингдек, Буюк Британиядаги университетлардан бирида 1-курсни 3—4 ойда тугатган (!) талабаларимиз 2-курсга (!) рухсат сўрашган. Айрим бакалавриатда ўқиётган талабаларни магистратурада қолиб ўқишга ҳам таклиф этишяпти. Демак, «Умид» юртимиздаги энг иқтидорли ёшларни тўғри йўл билан саралаяпти. Буни чет эллардан келаётган миннатдорчилик мактублари ҳам кўрсатиб турибди.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!

Норали АСЛОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ЯНГИ БИНОДАГИ ҚУВОНЧ

Бахмал туманидаги 7-ўрта мактаб жамоаси яқинда барча қулайликларга эга бўлган янги мактаб биносини қабул қилди. Қўли гул қурувчилар 420 ўринли мактаб биносини жуда қисқа муддатда қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Замонавий бино барча фанларнинг махсус жиҳозланган хоналарда, таълимнинг техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтилишига имкон бермоқда.

Бу ердаги компьютер хонаси, спорт зали ёшларнинг севимли масканларига айланиб қолди.

Педагоглар авлодининг давомчиси Р. Астанов раҳбарлик қилаётган бу жамоа таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш йўлидан бормоқда. Таълимнинг тест ва рейтинг усулини амалиётда қўллаш, ҳар бир машғулотни миллий қадриятларимиз тамойиллари асосида ташкил қилиш уларнинг доимий эътиборида турибди.

Т. ҲАМДАМОВ,
туман халқ таълими бўлими услубчиси

Yangi pedagogik texnologiya

БОЛАНИ БИЛМОҚ ЗАРУР

Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳий тадбирлар, аниқроғи, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» таълимни ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилашга йўналтирилган. Бу ҳаракатлар асосли ва мақсадли амалга оширилиши учун таълим тизимида янги педагогик технологияни жорий этиш мактабнинг ҳаётий тақозосига айланмоқда.

Яқин ўтмишда умумий ўрта таълим мактабларида ҳамма бир хил дастур асосида таълим бериш, фанларни ўзлаштиришда бир хил талаб, кўп ҳолларда педагогик жараённи асоссиз «жадаллаштириш» га уриниш, уни « ўрта ўзлаштирувчи» ўқувчи имкониятларини мўлжаллаб амалга ошириш, миллий-этник педагогика, психологияга мос келмайдиган восита, усуллардан фойдаланиш таълим-тарбиянинг деиндивидуаллашувига олиб келди. Айниқса, педагог ва ўқувчи муносабатларидаги ўта расмиятчилик, таълим беришда меъёридан ортиқ « коллективлаштириш» болаларнинг ўқишга бўлган ҳавасини сўндирди. Биз янги деб атаётган технология энг аввало, таълим муассасаларида бола манфаати устиворлигини таъминлаш учун хизмат қилмоғи даркор.

Педагогик технология бу таълим-тарбия жараёнининг тизимга солинган, илмий-услубий асосланган энг фаол восита ва усуллари мажмуидир. Бунда шакл, восита, усул ва мазмун уйғунлиги асосида мақсад, вазифа ва педагогик фаолият натижаларининг яхлитлиги назарда тутилади. Шу нуқтаи назардан, педагогик технологиянинг «янгилигини» изоҳловчи тамойилларга тўхталамиз:

1. Таълим-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш.

Албатта анъанавий педагогик технологияда ҳам индивидуаллик, яъни алоҳида ёндашиш усули бор эди. Бироқ мактабда ҳамма болалар учун битта эски тўну «индивидуал ёндашиш» ёки ўқувчи билан «яккама-якка», «бир ўзи билан ишлаш» шу эски тўнга қўйилган «ямоқ» вазифасини ўтарди, холос.

Таълим жараёнини чинакамига индивидуаллаштириш — ҳар бир ўқувчи бўйи-бастига мос, хос тўн бичиб-тикиб кийдириш демак. Фан тилида эса, индивидуаллаштириш — таълим бериш жараёнини ҳар бир ўқувчининг индивидуаллиги асосида ташкил этиб, амалга ошириш ҳисобланади. Бошқача айтганда, индивидуллаштириш — таълим шакли, мазмуни, восита ва усулларини ҳар бир ўқувчининг характерининг ўзига хослиги, унинг имконият, қобилият, иқтидор, қизиқиш ва хоҳишига мувофиқлаштириш демакдир.

Анъанавий тизимда тўлақонли индивидуаллаштирилган таълимни амалга ошириш мумкин эмаслигини ҳаёт кўрсатади. Бунга сабаб, биринчидан, 30-40 нафар ҳар хил ўқувчи билан, ҳар бирининг индивидуаллиги асосида машғулотни ташкил этиб ўтказиш учун ўқитувчида жисмонан имкониятнинг йўқлиги бўлса, иккинчидан, ўқитувчи ҳар бир болани ҳар томонлама билиш, ўрганиш қуроли — амалий психологик восита ва усулларига эга эмаслигидир. Зеро, буюк бобокалонимиз ал-Фаробий таъбирлари билан айтганда «.... темирчи пўлатни, дурадгор ёғочни ўз санъати учун керагича билиши зарур бўлганидек, ўқитувчи ўқувчини, болани қанча керак бўлса, шунча билмоғи зарур».

2. Янги педагогик технологиянинг иккинчи тамойили — таълим ва тарбия жараёнини табақалаштириш.

Бунда тўлақонли индивидуаллаштирилган таълимни амалга ошириш учун имконият яратилади.

Шу вақтгача амалиётда қўлланиб келинаётган, яъни ўқувчиларни у ёки бу фанни ўзлаштириш асосида гуруҳларга ажратиш табақалаштиришда жўн бир ёндашув ҳисобланарди. Ҳақиқий табақалаштириш эса, болаларнинг индивидуаллиги, яъни ақлий имконият, қобилият, иқтидор, қизиқиш, ёш ва шахс сифатлари асосида гуруҳлаштириб таълим-тарбия беришдир. Чунки, фанни ўзлаштиришдаги «баҳо» ҳеч қачон ўқувчининг ўзига хослигини тўлиқ изоҳлай олмайди.

3. Ўқувчи — таълимнинг ҳам объекти, ҳам субъекти.

Анъанавий педагогика ўқувчи гўёки «тоза доска»га («табало расо»), ўқитувчининг вазифаси эса уни ҳар хил тушунчалар билан тўлдириш ҳисобланади. Бунда ўқитувчи таълим субъекти, ўқувчи эса педагогик фаолият объекти деб қаралади.

Таълим жараёнида бундай ёндашув ўз-ўзидан ўқувчини пассив тингловчи, ўзлаштирувчига айлантиради. Педагогик жараённинг фақат бир томонга йўналтирилганлиги эса, ўқитувчи — ўқувчи муносабатларининг ўта расмиятчилигини келтириб чиқаради. Бу ўқувчининг мустақил фикрлашга ва изланишга бўлган ҳаракатини сўндириб, шахсиятида комформистик (кўр-кўрона эргашувчанлик) хусусиятини шакллантиради. Шу нуқтаи назардан, янги педагогик технологияда таълим жараёнига шахслараро муносабат деб қаралади.

Ўқувчи ва ўқитувчи таълимнинг ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланар экан, ҳар иккаласи ҳам берилаётган тушунчани йўналтириш жараёнида мустақил фикрлаш призмасида ўтказган ҳолда узвий ривожланишда бўлади.

Албатта, педагогик технологиянинг янгилик жиҳатларини очиб берувчи тамойилларни биргина мақолада изоҳлаб бериши қийин. Шунинг учун янги педагогик технологияни таълим тизимига тадбиқ этиш элементларини санаб ўтамиз.

1. Таълим — тарбия жараёнини диагностикалаш.
2. Таълимда прогнозлаш.
3. Таълим жараёнини моделлаштириш.
4. Таълим жараёнини дастурлаш.
5. Таълимнинг ноанъанавий, фаол усуллари.
6. Таълимнинг психологик таъминоти ва ҳ.к.

Мазкур элементларнинг ҳар бири бўйича Бухоро вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида илмий изланиш ва тажриба синовлар олиб борилмоқда.

Умуман, янги педагогик технологиянинг таркибий мазмуни марказида ўқувчи шахси турар экан, бу технология ҳар томонлама баркамол, ижодкор, мустақил фикрловчи айниқса мустақил фикрни асослаб билгувчи, иштимоий фаол инсон тарбияси учун хизмат қилади.

Йўлдош АСАДОВ
Бухоро вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ректори

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Президент Ельцин Ироққа қарши ҳарбий амалиёт минтақа учун кутилмаган оқибатларга ва улкан талофатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантирди.

* * *

Фаластин раҳбари Ёсир Арофат Бағдодга музокаралар учун ўз вакилини юборган. Жаноб Арофат Ироқ раҳбарини қурбонларга йўл қўймасликка чақирган.

* * *

Туркия Ташқи ишлар вазири ва Франция ҳукумат мулозими ҳам Бағдодга ташриф буюрганлар.

* * *

Муқаддас Ҳайит ва Қамарий Янги йил байрамидан сўнг очилган Осиё молия бозорларида ҳиссалар нархи кескин ортган.

«BBC» (Лондон)

***

Афғонистондаги ички урушда олинган кўп сондаги асирларни рақиб томонлар озод этганини халқаро Қизил Крест ташкилоти хуш қаршилаган. Муборак Рамазон Ҳайити муносабати билан эълон этилган амнистия жумласидан асирларнинг бўшатилиши Қизил Крест ташкилоти томонидан кузатилган.

* * *

Қуддусда фаластинлик ёшлар томонидан бошланган тўпалоннинг тўртинчи кунида, бугун Исроил қўшинлари ва Фаластин полицияси ўртасида отишмалар бўлган.

* * *

Жазоир газеталарининг хабарига кўра, мусулмон жангчиларига қарши иккин кундан бери давом этаётган фаолиятида армия исёнчилардан 60 кишини ўлдирган.

* * *

Аргентина Ироққа қарши қилинадиган ҳар қандай ҳарбий ҳаракатга қўшилишга тайёр бўлганлигини билдирди.

«Америка овози» (Вашингтон)

* * *

Арманистон аҳолисининг 86 фоизи ўзини-ўзи боқолмаслик ҳолатидадир.

«Маяк» (Москва)

Saxovat

СИҲАТГОҲ ҲОМИЙСИ

Ҳозирги пайтда саховатли, юраги кенг, қўли очиқ инсонлар ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам арзийди. Биз сўз юритмоқчи бўлган одамнинг таълим жонкуяри, хаста болалар дардига дармон бўлаётганлигини, ниҳоятда камтарлигини эшитиб, сафимизда бундай кишилар борлигидан қувондик.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани Дилноз кўчаси 23-уйда истиқомат қилувчи Абдурасул ҳожи Худойбердиев ана шундай инсонларнинг биридир. У Акмал Икромов туманида жойлашган шаҳар болалар сил касаллиги сиҳатгоҳига қатор мурувватлар кўрсатмоқда. Хусусан, сиҳатгоҳ қошидаги мактаб биносини ўз ҳисобидан таъмирлаб берди. Бундан ташқари сиҳатгоҳ эҳтиёжи учун 70 метр оқ суруп олиб келиб бердилар. Ушбу суруптан мактаб ойналарига парда тикилди.

Болажонларга Янги йил байрамини ташкил қилишда ҳам у ташаббусни ўз қўлига олиб, ҳар бир даволанувчи болага ва сиҳатгоҳ ходимлари болаларига алоҳида 150 дан зиёд совғалар улашди. Ўз сармоясидан байрам дастурхонига ош тортди.

Сиҳатгоҳнинг кам таъминланган ишчиларига ҳам озми-кўпми пул ёки гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатмоқда. Абдурасул ҳожи отанинг навбатдаги совғаси эса сиҳатгоҳ даволанувчиларини ниҳоятда қувонтирди. У болаларга телевизор ҳадя этди.

Ҳа, инсондан фақат яхшилик қолади. Биз, сиҳатгоҳ маъмурияти, барча ходимлар ва даволанувчи болалар номидан Абдурасул ҳожи отага сиҳат-саломатлик, ишларига ривож, давлатлари бундан ҳам зиёда бўлсин дея тилаб қоламиз.

Нурлан ЎКТАМ ўғли

Jarayon

МИЛЛИЙ ДАСТУР ВА МАКТАБ

Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар, шунингдек, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талабларига жавоб бера олмай қолди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида мамлакатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилинди. Иккала ҳужжатда XX аср охири ва XXI аср муқаддимасида юз бериши лозим бўлган муҳим таълим ислоҳотлари аниқ кўрсатиб берилди, шунингдек, миллий дастурни рўёбга чиқариш босқич (1997 — 2001 йиллар, 2001—2005 йиллар, 2005 ва ундан кейинги йиллар)лари белгиланди. Муҳими, бешта асосий таркибий қисмдан иборат мамлакатимизнинг кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди.

Хўш, айни кунда таълим тизимида янгиланиш жараёни қандай бораяпди. Қонун ва Дастурни ўрганишда расмиятчиликка йўл қўйилмаяптими? Муаллимлар Дастурдаги тамойил ва асосий йўналишлар моҳиятини тўла англаб етдиларми? Ўқитувчи, синф раҳбари методистлар бу борада нима ишлар қилишди? Муаллим мавқеи ва касб маҳоратини ошириш учун асосий эътиборни нималарга қаратмоқ лозим? Умуман, янгиланиш ва ўзгаришлар даврида мактаб директори вазифаси нималардан иборат бўлиши керак?

Сирасини айтганда, ҳозир таълим муассасаларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» моҳияти чуқур ўрганиляпти, унинг ижроси билан боғлиқ дастлабки қадамлар қўйилаётир. Масалан, Яккасарой туманидаги 319-мактабда иккала ҳужжат нечоғлик ўзлаштирилганлигига бағишланган катта педагогика кенгаши ноябрь ойидаёқ ўтказилган эди. Йиғилишда жамоанинг «Истиқбол» режалари ҳам белгиланди. Эндиликда у қатъий назорат остига олинган.

Режада «Педагогик билимлар» дорилфунунига асос солиш ва дастурни тасдиқлаш, кўп болали, кам таъминланган оилаларни маҳалла билан ҳамкорликда рўйхатга олиш, илм масканида маҳалла аҳли ва ота-оналар учун «Ҳуқуқшунос» маслаҳатхонасини ташкил этиш, Тил маркази ҳамда мусиқа мактаби синфларини очиш каби тадбирлар акс этганки, айни кунда улар татбиқи йўлида кенг миқёсли ишлар олиб борилаяпти.

Албатта, бунда мактаб раҳбари, таниқли педагог Улмасхон Юнусованинг ўзига хос ташкилотчилик билан иш олиб бораётганлигини қайд этиш жоиз. У. Юнусова ҳар доим ўқитувчилар ва ўқувчиларга «Илм масканимиз энг сара мактаблардан бирига айланмоғи, яъни мактаб-жамият кўрки бўлмоғи лозим» деб таъкидлайди ва ҳар ишда раҳбарнинг ўзи ибрат кўрсатади.

Қувонарлиси, мустақил юртимизда танлаш ҳуқуқи ва эркинлиги устивордир. Энди ҳар бир ўғил-қиз раҳбари тадбиркор бўлган намунали таълим муассасида ўқисам, илғор ўқувчидан таълим олсам, дейди. Бу жараён муаллимларни ўзининг касбий нуфузи, маҳорати, бурчи ва масъулияти ҳақида атрофлича ўйлаб кўришга чорлайди. Натижада, Дастурда қайд этилганидек, рақобатбардош кадрлар бозори пайдо бўлади.

Ўлмасхон Юнусова раҳбарлик қилаётган мактабда бу каби хусусиятлар инобатга олинган. Шу билан бирга илм масканига яқин атрофда яшайдиган сара ўқитувчилар жалб қилиняпти. Гап шундаки, шу мавзуда истиқомат қилувчи муаллим учун ўз ўқувчисини ҳар томонлама назоратга олиш имконияти пайдо бўлар экан. Шунингдек, ота-она — ўқувчи-ўқитувчи бирлиги таркиб топади, тарбия ҳам яхшиланади.

Бундан ташқари, ўқув даргоҳида дарс таҳлилига катта эътибор берилаяпти. Дарс кузатувчи (директор, илмий мудир) дарсда кўпроқ ўқитувчининг ижобий томонини излашга, машғулотдаги янгиликларни пайқашга ҳаракат қилади. Бу усул янгиликларнинг тез бўй кўрсатишига олиб келмоқда. Ўқитувчиларда эса изланишга мойиллик кучайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Изланишга мойиллик илм маскани ўқитувчиларининг иккала ҳужжат моҳияти бўйича нечоғлик билимга эга эканлигини аниқлашга бағишлаб ўтказилган тест синовлари пайтида ҳам яққол сезилиб турди. Савол жавоблардан кейин ўқитувчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди. Сўнгра «Таълим тўғрисида»ги эски ва янги Қонун қиёсланди. Дастурнинг айрим банд ва йўналишлари юзасидан тушунчалар берилди. Жамоа йиғинида эса бажарилган ва қилинажак юмушлар кўлами яна бир бор таҳлил қилинди, дастурдан келиб чиқадиган вазифалар белгиланди.

Яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлими вакиллари бу мактабда бўлишиб, илм масканида юз бераётган янгилик ва ўзгаришларни синчиклаб ўрганиб чиқишди. Янгиликлар белгиланган таълим меъёрларига мос келгани боис жамоага ишонч сертификати берилди яъни мазкур маскан тажриба майдончаси этиб белгиланди.

Айни кунда мактабда академик лицей йўналишида ҳуқуқшунослик синфи ҳамда коллеж йўналишида касб-ҳунар синфи фаолият кўрсатмоқда. Янги таълим йўналиши бўйича ўқувчиларга Низомий номидаги ТДПИ ўқитувчиси Ҳамида Туйчиева, мактабнинг илғор ўқитувчиларидан Бибисора Ҳасанова, Мухтабар Тожибоева, Санобар Асқарова, Мавлуда Садрхонова, Азиз Икромов, Руфия Валиева ва бошқалар янгилик ва ўзгаришлар асосида чуқур таълим беришаётир. Ўғил-қизлар эса туман прокуратурасида ҳамда 3-касб-ҳунар мактабида амалий машғулотларда қатнашишяпти.

Илм масканида шартнома асосида «Таэквандо» тўгараги фаолият кўрсатаётганига ҳам унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ота-оналар бу каби тўгаракларнинг тарбиявий томони жуда юксак эканлигини алоҳида таъкидлашяпти. Фарзандлар жисмоний соғлом бўлиш билан бирга улар одоб борасида ҳам ижобий томонга ўзгарганлар...

Мактабнинг ташқи кўриниши, ички жиҳозланиши, синфхоналарнинг турли кўргазмалар билан безатилиши янгиланган таълимда айрича аҳамият касб этади. Бу борадаги юмушларга «Керамика» қурилиш материаллари комбинати (раҳбари Алишер Ҳайтанов) жамоаси катта ёрдам уюштирмоқда. Уларнинг кўмаги билан мактаб атрофи ободонлашди, Ўқув қуроллари учун зарурий материаллар келтирилди. Бу материаллардан кўргазмали қуроллар яратилаяпти, синфхоналар безатилаётир.

Келажакда мактаб жамоаси учун сузиш ҳавзаси, иссиқхона қуриш мўлжалланаяпти... Ҳозир ҳам жамоатчилик, ота-оналар мактаби ва у ерда амалга оширилаётган ишлар ҳақида илиқ фикрлар билдиришяпти. Демакки, маҳалла, туман аҳлининг мактабга, ўқитувчиларга меҳри ошаётир.

— Бизга болаларга меҳр, таълим-тарбия бериш — уларни ҳаётга эркин қадам қўйишга тайёрлаш вазифаси юклатилган, — деди мактаб директори Улмасхон Юнусова. — Бу вазифани катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда сидқидилдан бажариш лозим. Ана шундагина ШАХС нуфузи ошиб, мавқеи кўтарилаверади. Мактаб — жамият кўркига айланади.

Раҳбарнинг камтарона айтилган сўзида ўзига хос чуқур маъно бор. Гап шундаки, қонун, Дастур, устоз, бурч, нуфуз, масъулият, маҳорат, меҳр шахс каби тушунчалар моҳияти тўла англаб етилган жойдагина янгилик ва ўзгаришлар бирин-кетин бўй кўрсатаверади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда таълимдаги янгиланишларга ҳамда кадрлар тайёрлаш, тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига батафсил тўхталди. Сўнгра вазир маориф ишида мактаб директорининг ўрнини алоҳида қайд этиб, «Ислоҳот ва ўзгаришлар» жараёнида мактаб раҳбари — ҳал этувчилардан бири» дея лутф қилган эди. Зеро, мактаб раҳбари, лаёқати, истеъдоди, тадбиркорлиги, нуфузи қандай бўлса, у ерда юз бераётган янгиланишлар даражаси ҳам шундай бўлади.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Faxr

СОЛИЖОН «СПЕЙС ШАТЛЛ»ДА

Россия Космик агентлиги (РКА) билан Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш бўйича миллий бошқармаининг (НАСА) космонавти, майор Солижон Шарипов «Спейс шатлл»нинг 89-экспедициясида иштирок этиш учун Америка — Россия экипажи таркибига киритилганлиги барчани хурсанд қилди. Бу қувончли хабар ўзбекистонликларнинг ҳам эътиборини четлаб ўтмади. Ахир ўзбек йигити фазога парвози давомида Ўзбекистон байроғини, шу юрт тупроғини олиб учгани кимни бефарқ қолдирсин?

Бу кунларга Солижон Шарипов осонликча етишмади. Машаққатли меҳнат, билимга интилиш, ирода ва сабот уни юксакларга кўтаради. Асли ўзбек йигити 1964 йил 24 августда Қирғизистоннинг Ўзган шаҳрида таваллуд топган. Шу сабабли бўлса керак, ўзбек учувчиси ўзи туғилиб ўсган ана шу юрт — Қирғизистоннинг ҳам байроғини олиб учди.

Учувчиликни мактабдаёқ орзу этган Солижон Приморьедаги авиация қисмида хизмат қилди. Харьковдаги олий учувчилик авиация билим юртини тамомлагандан сўнг ўқув-машқ полкида хизматни давом эттирди. МИГ-21, МИГ-29, Л-39 каби янги турдаги қирувчи самолётларда тажриба учишларини амалга оширди. 1990 йилда Шарипов космонавтлар отрядига қабул қилинди. 1992 йилдан эса космонавтлар тайёрлаш маркази аъзоси. Ана шу ҳаракатлар натижасида халқаро тоифадаги космонавт-тадқиқотчи ва муҳандис дипломини олди. Ҳа, Солижон Шарипов хаёлидаги яна бир юксакликни забт этди. Бу юксакликни нафақат Солижон, балки унинг ота-оналари Шокиржон ака ҳамда Турғунжон ая, маҳалла-кўй, қолаверса юртимизнинг барча каттаю кичиги забт этди. Чунки ўзбек учувчиси ўзи билан шу юрт байроғини олиб учгани Ўзбекистон ҳамда юрт одамларининг ҳам юксакларга парвози эмасми? Балки дунё аҳли ана шу воқеадан кейин Ўзбекистон номини эшитиб, «ҳа, бу юртдан фазога учмаса, қаердан учсин?» дейишган бўлса не ажаб? Бобомиз Мирзо Улуғбек тунлари юлдузларга термулиб, «юлдузлар жадвали»ни тузгани уларга ҳам аёнку?! Ахир ўшандаёқ ўзбек ўғлони бошлаган бу соҳадаги ишни нима учун унинг авлодлари давом эттирмасин? Ҳали Солижон каби жуда кўп ўзбек ўғлонлари самога парвоз этишади. Чунки халқимиз айтганидек, «оққан дарё оқаверади».

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

Маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги Мирзо Улуғбек туманида талаб даражасида йўлга қўйилган. Тумандаги «Аҳиллик» маҳалласи ён-атрофдаги икки мактаб билан ёш авлод тарбияси борасида мунтазам равишда иш олиб боради.

Суратда: (чапдан) 308-мактаб директори Ҳасан Исматуллаев, туман халқ таълими бўлими мудири Мунаввар Маннопова, ўқитувчи Саида Акромова, 248-мактаб директори Муҳаббат Абдуллаева ва Аҳиллик маҳалласи оқсоқоли Қудрат Исломовлар келгуси режаларни маслаҳатлашиб олишмоқда.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат

Tadbir

МАЪНАВИЙ ОЗУҚА

Кўпчиликни ром этиш қийин, айниқса, мажлисда. Чунки йиғилишда кимдир минбарга кўтарилиб, нутқ ирод этади, қолганлар тинглайди. Бундан табиийки, йиғилиш аҳли зерикади.

Жаҳон тиллари университетида талабаларнинг аксарияти қизлар. Улар турли хорижий тилларни ўқиб-ўрганиш жараёнида ўзларини оилавий ҳаётга ҳам тайёрлашлари керак. Университет ректорати ана шу мақсадда «Оила, аёл, ҳуқуқ» мавзусига мўлжалланган илмий-амалий анжуман уюштирди.

Тошкент театр ва рассомлик санъати институти профессори, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» Лола Хўжаева минбарга кўтарилиб, сўз олганида, зал жимжит бўлиб қолди. Унда на маъруза матни, на «шпаргалка» бор эди. Олима ҳаётий мисолларни келтириб сўзлар, талабалар эса унинг фикрини маъқуллаб, гоҳ-гоҳ кўзғалиб қўйишарди. «Қизлар, ҳеч қачон қайнонангизни турмуш ўртоғингизга ёмонламанг! Ўзга хонадонга ҳеч қачон ўз уйингиздаги шарт-шароит билан борманг! Сиз ўша хонадоннинг муҳитига кўнишга мажбурсиз» дея маслаҳат берди қизларжонга Л. Хўжаева.

— Унинг чиқиши талаба қизларнинг юракларига маънавий озуқа бўлиб кирди, — дейди университет ректори муовини Абдуманноб Нишонов. — Шунингдек, доцент Д. С. Ҳамидова, Акмал Икромов туман халқ судининг раиси Ж. С. Абдуллаев, шу туман ЗАГС бўлими мудири М. Р. Исломова ва бошқалар ҳам оналик, болалик, аёл ҳуқуқи, бурчи каби тушунчаларни муфассал шарҳлаб беришди.

Мухбиримиз

Kimyo o'qituvchilariga yordam

КОИНОТДАГИ КИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР

Еримиздан ташқаридаги нақадар кенг бу оламни Коинот деб атаймиз. Она заминимиз ана шу чексиз-чегарасиз кенгликдаги кичик объектлардан бири ҳисобланади. Коинотдаги миллионлаб ўзга объектлар ўзининг ҳаракати, турли-туманлиги, ранг-баранглиги, таркиби билан фарқланса-да, бирбири билан чамбарчас боғлиқлиги билан характерланади. Яқин-яқинларгача Коинотни асосан астрофизиклар текширар, ўрганар ва ўз хулосаларини берар эдилар. Эндиликда эса улар ёнига космонавтлар, аэронавтлар, кимёгарлар ва бошқалар қўшилишди. Коинот қаърида рўй бераётган жараёнлар, кимёвий реакциялар, ўзгаришлар, янгиланишлар космокимё, космогеология каби фанлар келиб чиқишига олиб келди. Қуйида космик кимё фани ўрганиб қўлга киритган маълумотларни муштарийлар диққатига ҳавола қиламиз. Бу маълумотлар кимё фанини чуқур ўргатишда ўқитувчиларимизга асқотиши, шубҳасиз.

ЮЛДУЗЛАРНИ БИЛАМИЗМИ?

Коинотни фақат бўшлиқ деб қарамасдан уни кўп миқдордаги нуклон (нарса)ларни ўз ичига олган улкан система деб қараш керак. Коинот диаметри 10^{28} сантиметр, ҳажми ўз навбатида 10^{34} куб сантиметр ва моддаси зичлиги 10^{28} грамм/$см^3$ қилиб олинганда унинг массаси 10^{66} граммга тенг бўлади. Буларни ҳисоблаб чиққан олим А. Эддингтон Коинотдаги нуклонлар сони 10^{80} га тенг эканлигини кўрсатган эди. Америкалик олим Э. Хаббл, австриялик олим Х. Доплер, П. Дирак, А. Арцимович ва Амбарцумянлар Коинотда жисмларнинг нақадар кўплигини ва булар билан боғлиқ жуда кўпдан-кўп жараёнларни ўрганишди. Мегагалактика, яъни борлиқ галактикаларни бирлаштирувчи Коинотдаги булакчалар сони унинг ўлчамсиз вақти квадратига тенглиги ҳақида маълумотлар бор. Коинот жисмлари бўлган юлдузларда ҳам сонсиз-саноқсиз кимёвий жараёнлар бўлиб туриши аниқланган маълумотлардан ҳисобланади. Триллионлаб юлдузларни ўз ичига олган Андромеда туманлигини оддий кўз билан кўриш мумкин. Ўша юлдузлар системасидан бизгача нурнинг етиб келиши учун икки миллион йил керак бўлар экан. Қаранг, ҳозирги замон техникаси ана шундай узоқликлардаги юлдузларда кечаётган жараёнларни ўрганишга қодир бўлиб қолди. Кўриниши тўлин Ойдек ёки катта тарвуздек келадиган ана шу туманликнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига етиб бориш учун нур 130 000 йил йўлда бўлиши керак.

Юлдузлар ёруғликларига қараб ажратиладилар. Улар орасида қизил, сариқ, оқ ва зангори-оқ ранглиларини ажратиш мумкин. Ўтган асрда Ер билан юлдузлар орасидаги масофани ўлчашга муваффақ бўлинди. Бизга яқин турувчи юлдузлар орасидаги масофа 100-200 триллион километр бўлиб, бошқалари жуда катта масофаладирлар. Юлдузлар таркиби ўзаро яқин бўлиб, асосан водород билан гелийдан иборатлиги, нур тарқатишлари эса, улар юзасидаги ҳароратга боғлиқлиги аниқланган. Ўз ёруғлигини ўзгартириб турувчи юлдузлар цефеидлар туркумига киритилди. Ана шундай юлдузлардан бири 1054 йили пайдо бўлиб ўта ёруғ бўлган ва икки йил давомида кундузлари ҳам кўриниб турган. 1572 йилнинг ноябрида Кассиопея юлдуз туркумида вужудга келган янги юлдуз Зуҳрога қараганда 10 бараварча ёруғлиги билан ажралган. 1604 йили кўринган юлдуз эса Юпитер сингари ёниб турган. Янги юлдузлар эволюциясининг назариясига мувофиқ юлдузлар марказидаги водород тамомланиб ядрода гелий қолгач, юлдузда сиқилиш бошланади. Ички гравитацион кучлар ортиб кетади. Ташқи қобиқ моддалари ядрога тушиб, бу пайтда олинган кинетик энергия чегара қаватда иссиқлик энергиясига айланади. Ҳарорат ниҳоятда тез кўтарилиб кетади, бу ўз навбатида занжир реакцияларни бошлаб беришга сабаб бўлади. Газ ва нур босимлари кўпайиб ташқи қаватлар кенгая бошлайди. Ядро атрофида йиғила бошлаган гелий ядрога бўлган босимни янада оширади ва ҳароратни юз миллион даражаларга етказади. Натижада ядрода реакциялар авжга чиқиб углерод, азот, неон ва магний ядролари вужудга келади ҳамда маълум миқдорда энергия вужудга келишига олиб келади. Ядрода ҳарорат янада кўтарилади, юлдузлар ташқи қобиғи ҳаво билан тўлиб турган шар ёки коптокни эслатади. Ўз «ичига» сиғмаган юлдузлар мувозанатдаги радиусидан ташқари чиқа бошлайди, бунда катта иссиқлик ажралади, натижада кенгайиш ва совиш бошланади, шунда пульсация (яшаш) бошланади.

Пульсация даври унинг массаси ва эволюция босқичлари билан боғлиқлиги кўринади. Мана шу йўл билан ҳосил бўлган баъзи юлдузлар (цефеидалар) маълум вақт Қуёшга нисбатан 20 000 баравар катта ёруғлик билан мавжуд бўлиб турганликлари аниқланган. Андромеда туманлигида вужудга келган янги юлдуз (1885 йили) ўзининг ёритиши максимумида миллиардлаб юлдузлар ёруғи қўшилгандан ҳам ортиқ даражада ёритиб турганлиги фанга маълумдир. 11' аср ўрталарида Қисқичбақасимон туманликда ҳам юлдуз портлаганлиги олимлар томонидан аниқланган. Орадан тўққиз аср ўтиб, 1949 йили олимлар томонидан топилган маълумот ўша портлаш билан боғлиқ эмасмикан, деган фикрлар пайдо бўлди. Бунинг боиси, ўша портлаш билан боғлиқ эмасмикан, деган фикрлар пайдо бўлди. Бу туманлик магнит майдонида ҳаракатланувчи ўта кўп энергияли электронлар ҳам нур тарқатар экан. Портлаш даврида эса ўта кучли энергияга эга бўлган бошқа кўпгина заррачалар ҳам вужудга келиши ўрганилгандир. Ҳатто ўта янги юлдузлар ҳам портлар экан. Бу жуда қисқа вақт ичида катта потенциал энергия ажралиши сабабли амалга ошадиган жараён деб топилди.

Ҳақиқатан ҳам радиотелескоплар аниқлашича, галактикамиз марказида кучли нурланишлар борки, бу жуда улкан массали газ ҳолдаги моддаларнинг улкан тезлик билан ажралиб чиқишидан вужудга келишидан дарак беради. Бу қандайдир сирли кимёвий реакциялар ёки тез ўтадиган жараёнларки, фан буларни ҳали охиригача ўрганиб бўлганича йўқ. Бундан фазонинг унча катта бўлмаган қисмида ўша номаълум ҳодисалар (жараёнлар) ҳисобига жуда улкан миқдордаги энергиянинг йиғилиши ва портлаш орқали ундан халос бўлиши (модда массасини ташқарига итқитиб ташлаш) деган хулосага келинди. Кейинги йиллардаги тадқиқотлар Оламдан ташқаридаги объектларнинг ҳам мавжудлигидан дарак бермоқда. Улар квазиюлдузлар (қисқача квазарлар) деб аталиб, уларнинг радиотўлқинлари ушланган. Квазарлар ўта узоқ бўлишларига қарамай оддий галактикаларга қараганда, анча кучли нур тарқатишлари аниқланди. Энг яқин 3 С 273 квазари биздан 1,5 миллиард нур йили узоқликда жойлашганлиги аниқ ўлчанган. Радиотўлқин тарқатмайдиганлари ҳам маълум бўлиб, квазатлар номи билан аталади. Буларни топиш жуда мушкул вазифалардан ҳисобланади. Квазарлар билан квазатлар табиати бир-бирига яқин объектлардан бўлиб, уларда «қизил кўчишлар» амалга ошаётганлиги тадқиқ қилинди. Демак, булар турли босқичларда ривожланаётган жисмлардан иборат деган хулоса келиб чиқади. Олимлар мазкур объектлардан келаётган нурларни ўрганиб, уларнинг баъзилари қора нур ҳам тарқатаётганлигини аниқлашди. Ундан ташқари шунчалик узоқ масофадан келаётган нурлар орқали Коинот жисмлари таркиби, атмосферасиз бўшлиқлардаги молекулалар тузилиши ва бошқа осмон жисмларини ўрганишга киришилмоқда.

Қудрат ҳожи АҲМЕРОВ,
кимё фанлари доктори, профессор, олий таълим аълочиси

(Давоми бор)



Мавлуда Нормаматова Самарқанд туманидаги 6-мактабда ўғил-қизларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераётганига 20 йилдан ошди. Шу йиллар мобайнида у ўз касбининг моҳирига айланди. Шогирдлари опага ҳавас қилишиб муаллимлик касби этагидан тутишди. Назаримизда, бу устоз учун улкан саодат, бахт!..

СУРАТДА: фидойи муаллима М.Нормаматова буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий таваллуди кунини ўзгача руҳда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўраётир.

Р.ҲУСНИДДИНОВ олган сурат

Metall Vatanga

ИБРАТ ОЛИНГ

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг охирларида газетамизда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг қора ва рангли металл парчаларини топшириш бўйича 1998 йилги режа топшириғи эълон қилинганди. Шунингдек, вазирлик қошида вазир ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигида штаб тузилганлиги ҳамда мазкур штаб жойларда қора ва рангли металларни йиғиш ва давлатга топшириш ишларини назорат қилиши таъкидланганди.

Шу кунга келиб Халқ таълими вазирлигига жойлардан ушбу давлат режасини бажарганликлари ҳақида хушхабарлар келиб тушмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи ҳамда Наманган вилояти Поп касб-ҳунар лицейи жамоалари давлатга қора ва рангли металл парчаларини топшириш бўйича йиллик режани республикада биринчилардан бўлиб бажарганликлари ҳақида хабар беришди.

МУХБИРИМИЗ

Tahlil

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Ҳар бир қилинаётган ишни вақтида сарҳисоб қилиб турган маъқул, унинг ютуқ ва камчиликларидан воқиф бўлиб турасан, дейди доно халқимиз. Бу ҳикматнинг нечоғлик ҳақиқатга яқинлигини куни кеча пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 25-ўрта мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг Давлат тест маркази билан ҳамкорликда ўтган ўқув йили якунларига бағишлаб ўтказган семинар-кенгаши ҳам ойдинлаштирди.

Давлат тест маркази бошлиғи, профессор Муҳсин Муҳитдинов семинарга йиғилган туман халқ таълими бўлими мудирлари, мактаб директорларига бутун шаҳар ва унинг туманларидаги кўрсаткичларни билан замонавий технология асосида тайёрланган кўргазмалар асосида таништирди. Бу эса барчада ким аслида ким эканлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилди.

Хўш, Тошкентда аҳвол қандай экан?

Биринчидан, ўтган йили республикамиз мактабларида ўтказилган апробация тестлари натижасига кўра, шаҳар ўқувчиларининг кўрсатгичлари анча юқори. Кўплаб фанлардан биринчи, иккинчи ўринларни қўлга киритишган. Шунингдек, абитуриентлар сони бўйича ҳам пойтахтликлар барча вилоятларни ортда қолдиришган. Фақатгина олий ўқув юртларига 14.000 йигит-қиз ҳужжат топширган. 6150 нафари талабаликка қабул қилинган.

Бу пойтахтимизда ҳаммаси аъло деганими? Маълумки, пойтахтнинг илмий-техникавий салоҳияти, имкониятлари вилоятларникидан анча ўстун. Шундай экан, юқоридаги кўрсаткичлар ҳали хотиржамликка берилишга эрта эканлигини кўрсатиб турибди.

Яна бир ҳолат пойтахтлик абитуриентлар орасида яққол кўзга ташланди, деган фикр айтилди йиғилишда. Яъни жуда кўпчилик ёшлар ҳуқуқшунослик, молия, иқтисодиёт йўналишига қизиқишяпти. Аммо асримиз физика, техника асри эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Тест натижаларига кўра, Тошкент шаҳрининг физика фанидан 6-ўринни эгаллагани ҳам жиддий нуқсонлардан биридир.

Шулар қатори семинар-кенгашда келгуси режалар, тест технологиясининг тобора такомиллашиб бораётганлиги ҳақида ҳам гап борди.

Рустам БОЙМАТОВ

Ijro

ИСТИҚБОЛ БУГУНГА БОҒЛИҚ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда, вазирликнинг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Халқ таълими вазир ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари Й.Саидҷонов бошқарди. Вазирлик бошқарма бошлиқлари, тегишли олийгоҳ ва бошқа муассасаларнинг масъул ходимлари иштирок этган ушбу йиғилишда асосий эътибор янги таълимдаги ўқув режалар, дастур, қўлланмалар тузиш ва яратиш, қолаверса шу асосда умумий таълимнинг истиқболдаги тақдирига қаратилди.

Дарҳақиқат давлатимиз тараққиётини таъминлашига умид қилаётган, мамлакатимиз янги таълим тизимида ўқувчилар фикрлашини кенгайтирадиган, фан ва дунё хусусидаги билимларини оширадиган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларига қандай эътибор берилади? Умумий таълим ўзагини белгиловчи қўлланмалар қай тариқа илмий жиҳатдан тасдиқланади? Дастур асосида? Фанларга қанча соат ажратилса, мақсадга мувофиқ бўлади? Болага нимани (қайси фанни) кўпроқ бериш керак, нимани бериш керак эмас? Фанлар интеграцияси деганда нимани тушуниш керак? У билан ишлаш қай тарзда бўлади? Бу каби залворли саволлар «карвони»га айни шу бугун, шу жавоб (амалий иш билан) берилмас экан, эртага кеч бўлиши аниқ.

Йиғилишда ишчи гуруҳ раҳбари Й.Саидҷонов шундай деди:

— Янги дастур, дарслик ва қўлланма яратилиш жараёнида олим (мутахассис) ёдида аввало «бола» туриши керак. Ҳеч бўлмаса ўз болалигини кўз олдига келтириб, қайси ёшда нимани қабул қилиш енгилу, қайсиси оғирлигини юракдан ҳис қилсин. Болага берилаётган билим тезроқ, осонроқ етиб боришини ўйлашимиз керак. Бу борада йиғилган тажрибаларни бир жойга жамласак, мукаммаллаштирсак, мақсадга етишимиз анча осон бўлади.

Вазир ўринбосари йиғилишда иштирок этаётган масъул кишиларни биргаликда ишлашга, берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажаришга чақирди.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Bilasizmi?

ЭНГ БИЖИЛДОҚ ОДАМ

Сизнингча, дунёда энг кўп гапирадиган бижилдоқ одам ким бўлиши мумкин? Бу саволга швециялик олим Тогд Эразм: тўрт ёшли бола, деб жавоб беради. Унинг ҳисобича, бу ёшдаги гўдак бир кунда тахминан 12 минг сўз айтиб ҳам чарчамаган эди.

Ўша олим 4 ёшдан 6 ярим ёшгача бўлган 156 болани текшириб, шундай хулосага келган: агар бир ёшдаги бола, одатда, учтагина сўзни айта олса, ярим йилдан кейин у 26 та сўзни ўрганиб олади.

Тўрт ёшдан 4 ярим ёшга қадар бўлган гўдаклар 920 тадан 1240 тагача сўзни билишади. Олти ярим яшар боланинг сўз захираси эса 2000 тадан ошади. Шу билан бирга у бола олти мингта сўзнинг фаҳмига етади.

ИШТИЁҚ МЕВАСИ

Руминиялик Руксандра Маринеску деган бир қиз беш яшарлигидаёқ француз тилини эгаллади. Бошланғич мактабга киргач, рус тилида гапирадиган бўлиб олди.

Орадан 3-4 йил ўтгандан кейин ҳар йили муттасил равишда биттадан тил ўрганишга киришди. Шу тариқа у, 7 йилда инглиз, немис, итальян, испан, норвег, швед тилларининг соҳибаси бўлишга улгурди.

Бу қиз 1961 йилда Бухарест университетининг филология факультетига кириб, яна бир тилни ўрганди ва ундан ташқари, ўқиш мобайнида ўзи мустақил равишда япон тилини ҳам эгаллаб олди.

А. АЛИЕВ тайёрлади

ФИТРАТНИНГ ТАРИХИЙ МАЪРУЗАСИ

Абдурауф Фитрат 1920 йилнинг 8 сентябрида ташкил этилган Бухоро Халқ шўролар жумҳурияти ҳукуматида ташқи ишлар вазири лавозимига тайинланиб, шу кундан эътиборан давлат арбоби даражасидаги фаолиятини бошлаган эди. У 1921 йилнинг ноябридан Бухоро халқ маорифи нозири лавозимига тайинланди. Бу лавозимда у 1923 йилнинг 24 июнигача, токи шу лавозимда «давлат маблағини суиистеъмол» қилганликда айбланиб, ишдан олингунигача хизмат қилди. Бу лавозимларда қисқа муддат ишлаганига қарамай Фитрат хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда, хусусан, халқ маорифини ривожлантиришда бир қанча ишларни амалга оширишга улгурди. Чунончи, туркистонлик 60 нафар ўғил-қизни танлаб, Олмонияга ўқишга юборишда ташаббускорлик қилди. Бунинг учун Бухоро халқ маорифи нозирлиги маблағига Берлин марказидан алоҳида бир ҳовли сотиб олинган бўлиб, кейинчалик Фитратга маблағни ўзлаштирганлик ҳақида қўйилган айбга шу баҳона бўлган эди. Қолаверса, 1921 йили Бухорода 11 минг ўқувчини бағрига олган 175 мактаб ташкил этилган бўлса, 1923 йили яна 40 та бошланғич ва ўрта мактаб (шулардан 3 таси қизлар мактаби), 12 та интернат ва 4 та музика мактаблари очишга муваффақ бўлди. У 1922 йили мазкур мактабларни ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида Бухоро ва Чоржўй шаҳарларида халқ ўқитувчилар институтлари (инпрос) ташкил этилишига эришди. Бухорода дорилфунун ташкил этиш масаласини ҳукумат олдига қўйди. 1923 йилнинг 4 мартида Фитратнинг ташаббуси билан Лабиҳовуздаги Файзулла Хўжаев клубида Бухоро маорифчиларининг биринчи қурултойи очилди. Қурултойда Абдурауф Фитрат «Маориф ишлари» хусусида маъруза қилди.

«Маориф ишлари» сарлавҳаси билан «БХШЖ Халқ маорифи назоратининг нашри афкори» «Учқун» мажалласида 1923 йили (2-сон, 1—5-бетлар) эълон қилинган бу маъруза маорифни ислоҳ қилиш ва таълим жараёнини такомиллаштириш руҳидалиги боис айни кунларимизда Истиқлол манфаатлари нуқтаи назаридан таълимни қайта қуриш йўналишидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг. Қуйида ёш илмий ходимлар Нигора Сафарова ва Улуғмурод Омонов ҳозирги алифбога табдил қилиб, нашрга тайёрлаган ушбу тарихий маъруза жузъий қисқаришлар билан эътиборингизга ҳавола этилаётир.

Охунжон САФАРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ta'lim tarixidan

ФИТРАТ

МАОРИФ ИШЛАРИ

(БИРИНЧИ МАОРИФ ҚУРУЛТОЙИДА ФИТРАТ ЎРТОҚНИНГ МАЪРУЗАСИ)

Маълум бир миллатнинг золимларга қоршу бир душманлик тутмай қолиши бўлатурғун ишлардан эмасдир. Ҳар бир миллат, ҳар бир жамоат унга зулм этганларга қоршу юрагининг буюк бир пучмоғида душманлик, нафрат сақлайдир, тарихда орасира бир жамоатнинг ўз бошлиқларига қоршу чиқғони ва уларни бола-чақаларигача қириб битирганини кўб курамизким: бунинг сабаби ҳалиги деганим каби, жамоатнинг юрагинда зулмга тўпланиб қолғон душманлик ва нафратдир. Бу душманлик бир вақтларда ўзини кўрсатмайгина турадир; жамоатнинг зулм остида эзила-эзила шуурсиз қолишлари билан ёки зулм сиртмоғининг кучли бўлиши билан жамоат ўз юрагида тўпланғон бу душманликни сезмай, ёхуд сеза олмай қоладир. Жамоатнинг ўз томонидан сезилмагани учун унинг юрагида зулмга қоршу адоват йўқ демак ёнглишдир. Чунки бу душманлик бор, кўрилмай турадир, фурсат бўлғач, дарҳол майдонга чиқадир. Мана шу ҳол бизнинг — бухороликларнинг ҳам бошидан кечгандир.

Бизнинг Бухоро халқи истибдод идораси чоғида, ўзининг муҳокамасини йўқотаёзғон эди. Шунинг учун истибдодга қоршу кўнглимдаги душманликни кўб вақтлар ўзи ҳам сезмас эди; истибдод ва зулмнинг эли ожиз бир дуочиси бўлуб қолғон эди.

Қачонким — бизнинг жамоат назарида дунёнинг энг катта ҳодисаси бўлғон рус-япон уруши очилди, бир қисм халқимиз хабарларини билиб турмоқ учун газетага берилди. У кунларнинг газеталари қайноқ бир масала бўлуб кирган янги мактаб масаласига эрксизча (ғайр ихтиёрий) қотишиб қолди ёки мактаб масаласига қотишғонларимиз дарҳол мактаб очишқа, болаларини ўқитишга берилдилар.

Истибдод ҳукумати бу мактабни натижасини мактабчиларимиздан ҳам яхшироқ билар экан, дарҳол бу мактабларга қоршу ҳаракатга киришди. Ўзининг ёлчиниларидан бўлғон бир неча муллони майдонга чиқориб «мактабнинг кофир қилиши» тўғрисида сўз тарқатди. Натижада, албатта, янги мактабларни ёптилар.

«Зулмат адоват» шул мактаб масаласинда ўзини кўрсатди. Мактабчиларимиз ўз кунгулларинда зулмға ва истибдод ҳукуматига қандай қоттиғ бир душманлик сақлағонларини сездилар. Ва мактаб баҳонаси билан ундан нафрат этдилар, унга қоршу тиришмак, унга қоршу ҳаракат этмак учун йўллар охтардилар. Унинг бутун қоршулиқларига қарамасдан янги мактаб фикри атрофиндан кўп тарафда тўпламоқ учун югуриб иш кўрдилар. Истибдод ҳукумати ҳам бунларнинг бу ҳаракатига уламони қоршу қўя олди. «Уламо»нинг замондан хабарсизликларидан фойдаланиб «Дин» масаласини орага солди: «янги мактаб болаларни диндан чиқорадур», деган бир фикр билан муллоларни олдади. Унлар ҳам «сояси худо»нинг «инъом ва эҳсонига» ноил бўлмоқ учун ишнинг ҳақиқатини англамайин белларини етмиш ердан боғлаб янги мактабга қоршу чиқдилар.

Халқ ҳам масаланинг зоҳирига алдандилар, золимлар билан мазлум орасинда бўлғон жанжални эски мактаб-янги мактаб жанжали деб ўйладилар, янги мактаб болаларимизни кофир қилар экан деб «лоҳавл»гина ўқуб қолдилар. Фақат бир тарафдан, истибдод ҳукуматига қоршу ишламак учун ўзида истибдод кўрган ёш кучлар мактабчилар атрофида тўпландилар. Мана шундай бўлуб, Бухорода бир-бирига қоршу икки «Ясов» (икки саф) ясалди. Бу икки ясов ҳақиқатда золимлар, мазлумлар: ясов бўлса ҳам зоҳирда эски мактаб — янги мактаб ясови каби кўрунди ва янги мактаб тарафдорларига «Жадид» исми берилди. Бу икки сафнинг ораси очилғонча очилди, (жанжали кучайганча кучайди). Эскиларда қандайин йўлсизлиқ кўрганда янгилар уни мактабсизликка юкладилар. Янгилардан қандай бир совуқ иш чиқиб қолғонда эскилар уни мактаб устига ташладилар-да, Руссияда инқилоб бўлуб «Николай» ҳукумати йиқилғондан сўнгра жадидларнинг сиёсий қиёфатлари очилди. Бунларнинг истибдод ҳукуматига душман бўлғонлари англашилди. «Жадидлар» билан истибдод ҳукумати тарафдорлари орасида кураш ва жанжал очиқ бир суратда кучайиб қолди. Ортиқ масаланинг мактаб масаласигина эмас, сиёсий масала бўлганини ҳар ким сезди. Истибдод тарафдорлари боз кучлари билан кураш майдонига кирдилар, жадидлар жанобу олийга осий бўлдилар. Мана жадид мактабининг натижаси шул экан деб ҳеч бир нарса билмаган жоҳил халқни мактабдан бутунлай қўрқутдилар.

Иш мана шундай тортишмалиқ бир ҳолда давом этиб турар эдиким, энг сўнг Бухорода инқилоб бўлди. Мустабид амир тахтиндан ойрилиб қочди. Инқилобчи жадидлар, яъни эски мактабчилар ҳукумати ишларига кирдилар. Кўзларини юмув «ҳа, ҳа» деб мактаб очдилар. Бир юзи олтмиш ибтидоий мактаб, тўртта қиз мактаби, бир кўп курслар очилди. Инқилоб тўлқунидан қўрқуб қолғон халқ ҳеч бир нарса англамасдан томларға қизил байроқлар осқони каби ўз болаларини мактабларга қўя берди. Унларнинг янги мактабларга бола ёғдиришлари маориф тарафдори бўлғонлиқлари эмас, ўзларини ёлғондан «жадид» кўрсатмак ва ҳукуматнинг аксил ҳаракатга қаршу очиқ курашидан қутулмоқ учун эди.

Инқилобнинг тўлқинли кунлари бўлғон биринчи даври ўтди. Ҳукумат-да, халқ-да бир оз тинчланди. Ҳар ким ўз ишига машғул бўлмоқ учун масоада борлиғини онглади. Мана ундан кейин халқ ҳам секин-секин болаларини мактабдан чека бошлади.

Маориф назорати бир ёқдан мактаблардаги бўшлиқни, бир ёқданда моддий, маънавий кучсизликни кўриб, мактаб сонини камайтиришга қарор берди. Бутун жумҳуриятдагина мактабларнинг учдан иккиси йўқ этилди. Учдан биртаси сақланди.

Эсизким камайтирилган мактабларга ҳам талабалар давом этмадилар. Чорасиз милицияга мурожаат этдик. Талабаларнинг давомини милиция кучи билан таъмин эта келдик. Лекин бу ишни бундай қилиб охириғача олиб бормоқ тўғри эмас. Бу муваққат бир чорадир. Мактаб ҳибсхона эмас. Унга болаларни милиция билан тортмоқ болаларни-да, ота-оналарни-да мактабга муҳаббат қўйишларига йўл бермайдир. Ота-оналар ўз болаларининг милиция билан мактабга тортилғонини кўргач, жуда қўрқалар. «Бунинг бир балоси бўлмаса нега бунча зўрладилар», деган ваҳимали бир фикрга келалар. Халқимизни тезлик билан маорифга исиндирмоқ истаган бизлар учун бу йўл зарарлидир. Зотан, қурол кучи билан бир миллатни йўқ этмак қулай, бор этмак мумкин эмасдир. Қурол кучи билан ҳеч бир жамоатни маданият сори жўнатиб бўлмайдур. Шунинг учундирким: сўнг кунларда маориф назорати бу масалани битирмакчи бўлди. Талабаларнинг давоматини таъмин этмак учун бошқа бир йўл тушинилди: ҳар мактабда ўқуғон талабаларнинг оталари, валийлари чоқирилиб, шул мактабда бир мажлис ясалди. Мажлисда тўпланғон оталар ўз оралариндан уч кишилик бир камиссия сайладилар. Мана шул уч кишилик оталар камиссиясига топширилдиким, бунлар мактаб фойдасини ҳам халқ олдинда, ҳам назорат олдинда мудофаа этсунлар, мактабларнинг маънавий ва моддий нуқсонлари бўлса, назоратга билдуриб такмил этсунлар. Талабалар келмаганда ўзлари турли тадбирлар билан келтурсунлар. Бу кун оталар камиссияси Бухоро шаҳриндаги ҳукумат мактабларинда ташкил этилган ва кутулғон натижаларни бериб турадир. Мактабларимиздаги талабалар милициясиз келиб туралар. Мана бу қурултойда ўқирулғуси маҳаллий маърузалардан олғонимиз натижалар бизнинг бу фикримизга мувофиқ чиққондан сўнг вилоятларда ҳам оталар ҳайъати ташкил этгумиздир...

ҚУРСЛАР ҲАҚИНДА

...Бухоро шаҳрида очилгон кўп курслар бор: маърифат, изчи, турон, юрт каби. Бунлар, албатта, яхши ният билан очилгон, бояги ёрдам йўллиқ давоми муносабати билан фойдаси ҳам бўлгон. Лекин бунларнинг билгули бир муддатлари билан билгули мақсадлари йўқ. Талаба мундай бир қурсда неча ой ўқуйдир, нима бўлиб чиқадир? Маълум эмас. Бунларга бир муддат ва бир мақсад тайин этмак назоратнинг навбатдаги ишлариндандир.

Қиз мактабларини кўпайтириш ёшлар иттифоқи билан бир галда ишлаш, қисқа муддатли савод қурслари очиш. Русча тил мактаби очмоқ, меҳнат мактабини ислоҳ этмак ишларига назорат шу кунларда ишлаб турадир. Бу ишлар орасинда энг муҳими — қизлар мактаби билан рус тили мактабидир. Албатта, бу хусусда меним ҳам фикрим шудир. Бизнинг халқ бу кунги қайғули ҳолға тушмакларига эр-хотунининг нодонлиги биргалашиб хизмат этгандир.

Элимизни букунги ҳолдан қутқармоқ учун эр-хотунларимизнинг биргаликда саъйлари лозим. Шунинг учун бунларга баробар онг бериш, баробар маърифат тарқатиш керак.

Русча тил мактаби ҳам шундай муҳимдир. Бизнинг энг фожиали ҳолимиз русча билмаслигимиздир: ижтимоий, сиёсий ҳаётимизни янги асосларга қўймоқ учун биз ҳар қадамда бир дафъа русча учраймиз, руснинг фикри, руснинг мутахассиси, руснинг китоби, мақоласи, назарияси, раҳбари бизга лозим бўлиб қоладир. Ҳолбуким, ўзимиз русча билмаймиз.

Мана бизнинг марказда ишлаганларимиз шунлардир. Бу қурултойда, мана шул асосларимизни сиз вакилларга айтамиз, сизнингда маҳаллалардан келтурганингиз маълумотларни оламиз, сўзлашамиз, ўйлашамиз, белгули бу фикрга келишамиз, сўнгра вилоятларда ишлашга берилямиз.

Мактабларимизда китоб йўқ. Бу хусусда назорат ташаббус этган. Назорат ҳузуринда нашриёт шўъбаси очилгон. «Ҳукумат нашриёти» идораси ҳам фирқа қарори билан маориф назоратига оғдарилгон. Фақат ҳануз ишларимиз тартибга олмағону учун бу ҳақда кўп сўйламайман.

Mulohaza

«ОТАНГГА РАҲМАТ»ЛАР ҚАНИ?

Кеча керак бўлдинг,
Болалик чоғим!
Э.ВОҲИДОВ

Бу йил эрта баҳор оиламиз учун бироз хафаҳол келди. Йил бошидаёқ, мансабидан кеккайиб, ўзига ортиқча бино қўйганлардан бирининг зуғумини қабул қилолмай ўз «хоҳишим» билан ишдан бўшадим. Энг катта йўқотиш — отамизнинг кутилмаган қазоси бўлди. Қишлоқда қирқ кунча туриб қолдим. Ҳар куни гурей-гурей одам келади. Бир сўз юз бор такрорланади — бандалик. Таъзияли кунларнинг охирида бироз одам сийрак бўлди. Қироатчи чоллар ҳам рухсат сўраб, ишни якун қилажакларини билдирдилар.

Қолган битта-яримта узоқроқдан келганларга Жўрабекжон бор, деди қарийб саксонни қоралаб қолган Шароф бобо олдига қўйилган тугунни маҳкам саранжомлаб бўлгач.

Айтилганидек, эртаси куни олисроқ туманда яшайдиган ўртоқларимдан икки-учтаси кексароқ бир одамни эргаштириб кириб келди. Бояги қария билганича тиловат қила бошлади. Қўллар фотиҳага тортилгач, ён биқинимдан қўнғироқдек жарангдор, ёқимли оҳангда қироат бошланди. Ўгирилиб қарадим — Жўрабек. У шундай берилиб тиловат қилаётган эдики, ёшлигидан мактаб кўрганлиги сезилиб турарди. Сура тугади. Бир лаҳза мафтунликдан карахт бўлган бояги қария — беихтиёр «отангизга раҳмат ўғлим», деб юборди. Бу сўз ҳамманинг юрагида ажиб аксадо берди. Мен эса ниманидир, аниқроғи анчадан буён йўқотган бир ноёб сўзни топгандек эдим. Фикрим, ёш бўлса-да, чиройли тиловатлар қила оладиган Жўрабек тўғрисида эмас. Уни айрича кўрсатмоқчи ҳам эмасман. Буни ҳар ким ҳам уддалай олмайди. Аввало ихлос бу. Менинг сўзим «отангга раҳмат» сўзи хусусида. Тан олиб айтсам, ишонинглар, мен соғинган эканман бу сўзни.

Кейинги пайтларда нега бу сўзнинг салмоғи йўқолиб бораяпти? Нега ҳозирги ёшлар, ўсмирлар, болаларда бу сўзга ташналик йўқ? Нега ҳозирги катталар бир пайтлар катта мукофотдек ўзлари эшитган, эшитиб бир олам яйраган бу сўзни кейинги зурриёдларга айтишга эҳтиёж сезмаяптилар? Кўрдингизми, «нега»ланган сайин танингизда оғриқ сезаверасиз. Хаёлларингиз кўчани сарсари кезади. Тилингизнинг учида икки-учта «отангга раҳмат» сўзини қистириб ўзингиз ҳам кўчага чиқасиз. Кимнингдир боласига улашмоқчисиз бу сўзларни. Ниманингдир эвазига айтиладику — бу. Бўлар-бўлмасга эмас, албатта.

Бунга эришиш мушкул савдо эмас-ку, дейсиз ўзингизга ўзингиз. Қайсидир бола сиздан шу сўзни эшитишини хоҳлайсиз шу дам.

Назаримда, бизнинг болалик давримизда отанга раҳмат»ни эшитиш излаб юриларди. Биз тенгиларнинг ҳар бирида бу хил рағбатлантиришдан мўл-кўл бор. Ҳеч бўлмаса Норбиби опанинг ўзидан юз бор, минг бор эшитганмиз. Сал эси оғиб қолган шу опахон ҳам шу сўзни ёқтирарди чамамда. Ёши элликка етай деб қолган, умрини ҳур ўтказаётган Норбиби опа тушликкача ёбондаги ғўза ўташидан тўпланган ўтни қопга жойлаб, бурни ерга теккудек бўлиб кўтариб келарди. Бироз нафас ростлаш учун эса йўлнинг баландроқ жойига қопини қўйиб узоқ тин оларди. Афтидан қопни қайта кўтариб олишга сал ҳимо қиладиган бирор киши келиб қолишини кутарди у. Шу чоғ мактабдан қайтаётган биз унга рўбарў бўлардик, кўпинча. Биласизми нима қилардик. Узунроқ иккита хода топиб, 3-4 ўртоқ қопни ходаларнинг устига қўярдикда, осонгина Норбиби опанинг дарвозасигача кўтариб келардик. Эшитадиган биттагина сийловимиз — «отангизга раҳмат» эди.

Шаштимизга шашт қўшиларди шу сўздан. Тушдан кейинги ишимиз — молларга ўт терардик. Ўроқ-қопни эшакка ортиб жиндек узоқроқ бўлсада, кўл ёбонимизга отланардик. Рости, кўп вақт ўзимиз ўт термасдик. У ерда меҳнат қилаётган хотин-халажнинг ўтини эшакка ортиб уйига ташиб беришимиз эвазига қопимиз тўлиб турарди. Яна қандқурсли «отангга раҳмат»лар шодасини айтмайсизми?

Балкон деразасидан ўзим кузатган бир воқеани айтай. Тонгданоқ ишга отланаётганлар оқимини кузатиб турибман. Машинасини гаражидан чиқариб, ҳарчанд уринмасин ўт олдиролмай турган қўшним мактабга бораётган 3-4 нафар йигитчага озгина суриб юборишларини илтимос қилди. Ҳали вақтли бўлишига қарамасдан, улар дарсга кеч қолаётганликларини рўкач қилиб бепарволарча ўтиб кетавердилар. Кейинги тўдада келганлар эса рўй-рост уст-бошларини аяшларини билдирдилар. Қўшнимнинг тилида ҳам ширингина «отангга раҳмат» бор эди. Чиқмади, эгаси топилмади...

Дилмурод ЖАББОР



Сибизга садоси

Sport

БИР КУНЛИК ТАШРИФИ 10 000 ДОЛЛАР

Шу йилнинг баҳори бошланиши билан Москвада профессионал бокс бўйича ёмрик халқаро мусобақа ўтказилади. Муҳими бунга оғир вазнли Э.Холлифилд билан М.Тайсон ҳам таклиф қилинган. Бунинг учун бу иккала профессионал иш юритувчилари 10 000 доллардан талаб қилишди.

ФАРҲОД ТЎРАЕВнинг КУМУШ МЕДАЛИ

Яқинда Россия пойтахти Москва шаҳрида дзюдо кураши бўйича йирик халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда ҳаммаси бўлиб 18 мамлакат аъзолари қатнашди. Ҳамюртимиз Фарҳод Тўраев 81 кг спортчилар орасида кумуш медалини қўлга киритди.

МДҲ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ КИЕВДА

Футбол бўйича МДҲ чемпионлари кубоги «беллашуви» ниҳоясига етди. Унда собиқ Иттифоқнинг энг кучли командалари иштирок этдилар. Кубок барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган Киевнинг «Динамо» командасига насиб этди. Улар финалда Москванинг «Спартак» командасини маглуб этишди.

МУҲАММАД АЛИ ва МАРОКАШ...

Профбокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Муҳаммад Али ёзда ўтказиладиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида Марокаш терма командасига тарафкашлик қилмоқчи. Бунинг учун у чемпионат бошланиши билан АҚШдан Францияга йўл олади.

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Лина Черязова, Сергей Бренер, Татьяна Малинина, Роман Скорняков, Комил Ўринбоевлар куни кеча Японияда ўтказиладиган XVIII қишки олимпиадада қатнашиш учун жўнаб кетишди. Маълумки, ушбу олимпиада 7 февралдан 22 февралгача давом этади.

maydonchasi

Xullas...

ЛАҚҚАНИКИ ҲАМ ЖОН

...Ўша куни Эрпели дарёси қирғоғида ҳозир бўлганлар бу воқеанинг тирик гувоҳи бўлишган. Аслида бу хил тафсилотларнинг ажабланарли жойи йўқ. Ахир «ҳар кимга жони ширин» дейилган атама фақатгина одамларга эмас, ўзга жонзотларга ҳам тааллуқли бўлса керак.

Дарвоқе, ўша куни дарё устида узоқ вақт учиб юрган бургут ўлжасини кўргану пастга ўқдек отилган. Бироқ унинг чангалига илинган каттагина лаққа балиқ ҳам анойи эмас экан. У думи билан шу даражада тез ҳаракат қилганки, ўлжадан маст бургутвой қанот қоқишга ҳам улгурмай қолган. Ва натижада дарё тубига қараб қанот қоқишга мажбур бўлган.

•

ЎЛГАН БАЛИҚ ТИРИЛСА...

Гарчи японларнинг кўзлари бир озгина бошқаларга нисбатан қисиқроқ бўлса-да, уларнинг ақл кўзлари бало. Қарангки, Япония дўконларида музлатилган ўлик балиқлар кўп сотилади. Лекин бу балиқларни уйингизга олиб бориб тирилтиришингиз ҳам мумкин экан. Чунки японлар денгиз жониворларини ўлик билан тириклик орасида ушлаб туриш йўлларини билади-да! Бунинг учун улар балиқлар сақланадиган идишдаги сув юзини муайян қалинликда музлатади. Бу эса жониворларнинг фаол фаолиятини сустлаштиради. Яъни летургик уйқуга кетади.

•

МУШУКЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Мабодо, мушукни силасангиз чирсиллаган товуш чиқиши, агар бу қоронғуликда бўлса, электр учқунлари тарқалиши яхши маълум. Хўш, тўрт оёқли ҳайвоннинг «ишлаб чиқарган» токининг қуввати қандай? Ғарбий овруполик физиклар гуруҳи бу саволга жавоб қайтармоқчи бўлишди. Элликта мушук, аниқ асбоблар, серияли тажрибалар орқали олимлар бу жумбоқни ечдилар ва бир ваттли митти лампочка ёниши учун бир йўла ўн миллион мушукни силаш керак экан, деган хулосага келдилар.

ana shunaqa gaplar

Diqqat, tanlov!

«1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ»

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛИБ, ЁШЛАРНИ УМУМБАШАРИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА, ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ВА ОИЛА ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ВА ЖАВОБГАРЛИГИНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТАДИГАН ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИ КАТТА ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА «ОИЛА» МАВЗУСИДА ИНШО ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқув юртларида иншо мавзуси бўйича танловни ўтказиш Низоми ишлаб чиқилади. Низомда танловнинг босқичма-босқич гуруҳлар ва курслараро ўтказилишига аҳамият берилади. Иншо танловининг ўқув юрти бўйича ғолиблари 1998 йил февралнинг охиригача аниқланади ва ўқув юртида тақдирланади. Танловнинг 1-босқичида педагогика институтларида 1-2-3-ўринларни эгаллаган талабаларнинг, педагогика ўқув юртлари 1-2- ўринни эгаллаган ўқувчиларининг иншолари 5-6 бет ҳажмида алоҳида ёзилган титул варағи билан 1998 йил 10 мартдан кечиктирилмасдан вазирликнинг Педагогик таълим ва фан Бош бошқармасига ўқув юрти раҳбари имзолаган тавсиянома билан бирга тақдим қилиниши лозим.

«Оила» мавзусидаги Республика иншо танлови ғолибларини вазирлик томонидан моддий рағбатлантириш учун қуйидаги мукофотли ўринлар белгиланади.

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИДАН ТУШГАН ИНШОЛАР УЧУН:

1. Битта биринчи ўрин учун 5000 сўм;
2. Битта иккинчи ўрин учун 3000 сўм;
3. Битта учинчи ўрин учун 2000 сўм;
4. Учта рағбатлантирувчи ўрин учун ҳар бири 1000 сўмдан;

ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН ТУШГАН ИНШОЛАР УЧУН:

1. Битта биринчи ўрин 5000 сўм;
2. Битта иккинчи ўрин 3000 сўм;
3. Битта учинчи ўрин 2000 сўм;
4. Иккита рағбатлантирувчи ўрин учун ҳар бири 1000 сўмдан.

Энг яхши иншолар «Маърифат», «Учитель Узбекистана» газеталари ва «Соғлом авлод учун» журналида чоп этилади.

Quvnoq startlar

«ТУРОН» ЯРИМ ФИНАЛДА

Марказий ҳарбий спорт клуби залида XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Биринчи босқич мусобақалари ғолиблари Жиззах вилоятининг Дустлик туманидаги 4-ўрта мактабнинг «Орзу» ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳридаги 4-ўрта мактабнинг «Турон» жамоаси ўртасидаги кескин ва муросасиз беллашувда «Турон» жамоаси 44-24 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини олди.

Мусобақа дастуридаги ўнта учрашувнинг «Стул устида юриш», «Кенгуру беллашуви», «Тўсиқли эстафета» ўйинларида ва мусобақа сардорлари ўйинларида қорақалпоғистонлик спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Беруний шаҳридаги 4-мактаб спортчиларининг муваффақиятлари бежиз эмаслигига мактаб директори, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Раҳматулла Бобожонов билан суҳбатлашганимиздан сўнг тўла ишонч ҳосил қилдик.

— Мактабимизда спортни оммалаштириш доимий диққат марказимизда бўлиб келаётир. Замонавий спорт залимиз ҳамиша ўқувчилар билан гавжум. Футбол, қўл тўпи, теннис майдончалари ташкил этилган.

«Қувноқ стартлар» мусобақалари спортни оммалаштиришнинг муҳим омили сифатида катта мавқега эга. Мактабимизнинг «Турон» командаси 1991 йилда ташкил этилган. Команда Беруний туманида 7 марта, Қорақалпоғистон Республикасида 1 марта чемпионлик номига сазовор бўлган.

Мактабимизнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари Жеткер Рисқулов ҳамда Санам Ражабова ўқувчиларни мусобақага тайёрлаш юзасидан астойдил меҳнат қилишганидан мамнунмиз. Ярим финал мусобақаларида кучсизлар бўлмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда спортчиларимиз янада жиддий тайёргарлик кўришади.

Ғ. МАННОПОВ

Fikr

«ХУРСАНД БЎЛГИН ДЕДИМ-ДА!»

«Бир бола ўқитувчиси билан доим сенсираб гаплашар экан. Ўқитувчининг жаҳли чиқиб, «мана бу дафтарга «энди домламни сенсирамайман» деб ўн марта ёз» деса, ҳалиги бола дафтарни бошдан-оёқ домла айтган гап билан тўлдириб чиқибди. Ўқитувчи ийиб кетиб, «яша, бараккала, сени бунақа эсли-ҳушли деб ўйламовдим» деса, бола «ҳа энди сени бир хурсанд бўлсин, дедимда!» деярмиш тиржайиб».

Азиз газетхон, биз юқорида келтирганга ўхшаш «аския»ларни кунда-кун ора эшитаётган бўлсангиз ажаб эмас. Аммо тўртта бекорчини кулдираман деб ҳар чиқишида «мактаб ҳангомалари»дан чайнаётган «сўз усталари»нинг бу хил латифаларини ҳеч таҳлил қилиб кўрганмисиз? Шундай олди-қочди, тутуруқсиз гапларни эшитган бола эртага мактабга боргач, ўқитувчисига яхши муомалада бўлади деб ўйлайсизми? Ёки оила аъзолари даврасида юқоридагидек «ҳангомалар»ни тинглаб ўтирган ўқувчининг ҳолатини тасаввур қилинг.

Кўча-кўйларда, бозорларда ўқувчиларнинг тўп-тўп бўлиб, санқиб юрганини кўриб қоласиз. «Дарс йўқми, ўқиш пайтида нима қилиб юрибсизлар» деб сўрасангиз, «Дарс бор, ўтилмаяпти» деб жавоб беришади баъзан. Таажжубда қоласиз, дорилфунун, институтларда ўқишга қабул қилинаётганларнинг сони камайганича йўқ, бироқ ўқитувчилар етишмайди... Талабалар дипломли бўлишгач, ўзларини мактабга эмас, бошқа соҳаларга уришяпти. Уларга беш йил тиришиб-тирмашиб нимага ўқидингиз», деб насиҳат қилиш бефойда.

Яқинда бир таниш ўқитувчи тумандаги ўрта махсус ўқув юртида она тилидан иншо олибди. Унинг айтишича, иншо топширганларнинг аксарияти «2», «3» баҳоларга ёзган. Ўз она тилида чаласаводлик билан ёзадиган ўсмир қандай қилиб давр талабига жавоб берадиган етук инсон бўлиб етишиши мумкин? Ахир у эрта-индин XXI асрга қадам қўяди, илғор технологиялар, замонавий компьютерлар билан мулоқотда бўлади!

Бизнинг мулоҳазаларимиз балки кимгадир бўрттириш ёки ортиқча ваҳимадай туюлар. Аммо ўз олдимизга улуғ мақсадларни қўйган эканмиз, ҳар қандай арзимасдек туюлувчи кемтиклар ҳам назаримиздан четда қолмаслиги лозим. Болаларга устоз ҳурмати, муаллимнинг юксак мақоми ҳақидаги фикрларни сингдирайлик, ўқитувчиларга ўқувчилари ҳузурида тавозеъ билан муомалада бўлайлик. Балки шунда оғзига кучи етмаётган айрим «қизиқчи»лар ўзларини сал тийиб олишар.

Азизбек АБДУВАЛИЕВ,
Наманган шаҳри

Ko'ngil bitiklari

Одатий кунларнинг бирида таҳририятимизга камтаргина кўринган бир киши бир даста шеър кўтариб кириб келди. Унинг айтишича, Навбаҳор туманидаги 13-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шеромад Исломов экан.

Шеърларни ўқидик. Унинг ҳар бир мисрасида беғубор кўнгил кечмишини кўрдик. Бу кечмиш суратига сиз ҳам эътибор қилинг-а...

АСКАР ЮРАГИДАГИ СЎЗ

(Укам Фарҳоджон ёди)

Шабнамдек беғубор болалик эдим,
Феруза осмонда чақнаган чақин.
Лаҳзадан ялт этган бўлса-да умрим,
Мен офтоб нуридек юракка яқин.
«Севаман» — деб мактуб ёзарди қизлар,
Муҳаббат бор эди, қалбда бокира.
Қишлоқ кўчасида мен юрган излар,
Бу кун қўмсаб чорлар бўлиб хотира.
Дўстларим нигоҳи йўлга интизор,
Туғилган қишлоғим ҳувиллар менсиз,
Соғинчдан онамнинг кўзларида зор —
Дейди: Фарҳод, қандай яшайин сенсиз?
Кўкламги чақмоқдек кўкда ялт этиб
Хаёлларга чўлпон учқунин солдим,
Мен дилларда ўтли бир туйғу бўлиб
Дўстлар, мангуликка айланиб қолдим...
Она юрт ишқида ёниб яшадим,
Халқим ўз ўғлидек жондан суяди.
Ватаннинг бўлажак аскарларига
Фарҳоджон — деб менинг исмим қўяди.

МОМОМ ЭРТАК АЙТГАНДА

Гўдаклик онларимни
Титраб қўмсаган замон,
Момомнинг эртаклари
Ёдимга келар ҳамон...

Момом эртак айтарди
Орзулардан энтикиб,
Мен берилиб тинглардим,
Кўзларига кўз тикиб.

Ботирлардан айтсалар,
Тонглар отиб қоларди.
Учар гиламлар сеҳри
Хаёлимни оларди.

Учар гиламлар билан
Осмон узра учардим.
Оймомани олай деб
Юлдузларни қучардим...

«Ёрилтош»ни айтганда,
Ёрилар эди тоқлар.
Момом... десам хаёлдан
Ўтар болалик чоғлар.

Тушимда кўкка учиб
Тонгда ерга қайтардим.
Кўрган-билганларимни
Момомга хўп айтардим.

Дўстлар болалик чоғим
Хаёлдан чиқмас сира.
Момомнинг эртаклари
Бўлиб қолди хотира.

Момомнинг эртаклари
Асло бўлмасди тамом.
Эртакларга айланиб,
Қолибди бугун момом...

Шеромад ИСЛОМОВ

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Нурлан УСМОНОВ,
Фахриддин КАРИМОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0986. Тиражи 58104. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6